

## ШАРТНОМА № 01

Андижон ш.

“24” октябр 2022 йил.

Ўз низомига асосан фаолият юритувчи «BEST MEALS TA'MINOT» МЧЖ бундан кейин «Бажарувчи» деб юритилади, унинг номидан шахсан раҳбари Ж.Рузиматов бир томондан Андижон Олимпия захиралари коллежи директори Д.Рахимов иккинчи томондан бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади куйидаги мазмундаги шартномани туздик :

### 1.Шартнома предмети.

1.1. «Бажарувчи» ўзи бажариши керак бўлган ва келишилган куйидаги 5 маҳал иссиқ овқат махсулотларини тайёрлаб (бажариб) беради, «Буюртмачи» эса ушбу бажарилган хизматларни ўрнатилган тартибда қабул қилиб олиб, ҳисоб-китобларни амалга оширади.

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Умумий суммаси
1	Тайер иссиқ озик овқат	порция	64441	10998	708722118
	<b>Жами:</b>				<b>708722118</b>

Шартноманинг умумий суммаси: 708722118 (Етти юз саккиз миллион етти юз йигирма икки мингбир юз ун саккиз )сум сўмни ташкил этади.

### 2.Шартноманинг қиймати ва ҳисоб– китоб тартиби

2.1. Ҳисоб китоб “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 10 банк иш кунда “Буюртмачи” кўрсатган хизматларни умумий суммасининг 30 % ни олдиндан аванс тариқасида “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган охириги 70% ни «Бажарувчи» томонидан кўрсатилган хизматлар ҳисоб варақ фактуралари асосида топширилгандан сўнг 30 кунда ўтказиб беради.

2.4. «Бажарувчи» хизматларни 1 ой давомида тўлиқ «Буюртмачи»га етказиб беради.

### 3.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1.Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

3.2. «Бажарувчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

-Берилган буюртманомга мувофиқ кўрсатилган хизматларни бажариб беради.

-Агар хизмат кўрсатиш ёки ишларни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса «Буюртмачи» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни баратараф этишга мажбурдир.

3.3. «Буюртмачи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари :

- Тайёрланган махсулотни талаб даражасида бўлишини «Буюртмачи»дан талаб қилишга;

-Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни копланишини «Бажарувчи» дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 4.Томонларнинг жавобгарлиги

4.1.Бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ни белгиланган вақтда етказиб бермаганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи» га ўтиб кетган муддатнинг ҳар бир банк кунини учун бажарилмаган ишларнинг қийматидан 0.1 % микдорда, лекин шартноманинг 10 % дан ортмаган микдорда жарима тўлайди.

4.2. Ишларни бажариш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун «Буюртмачи» га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган хизматларнинг 25 % миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «Буюртмачи» га хизматларни бажариб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

4.3. Ишларни бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажариб берилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0.5 % миқдориди пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматнинг қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 % миқдориди пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

### 5. Низоларни ҳал этиш тартиблари

5.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қоидага кўра мустақил равишда улар судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

### 6. Форс – мажор.

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар “ёнғин, сув тошқини, шу қаби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари”, агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

### 7. Бошқа шартлар.

7.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда ҳўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

7.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси “Бажарувчи” да иккинчи нусхаси “Буюртмачи” да сақланади.

### 8. Шартнома муддати.

8.1. Шартнома тегишли газначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

8.2. Шартнома муддати тегишли Газначилик тизимидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб “31” декабрь 2022 йилгача амал қилади.

### 9. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари.

#### «Бажарувчи»

Номи: « **BEST MEALS TA'MINOT** » МЧЖ  
Манзили: Андижон шаҳар 3-кичик даҳа  
Уриқзор МФЙ 17-А уй  
Тел +99890-526-17-17


Хр: **20208000505570503001**

Банк номи «TRAST BANK» Андижон филиали

МФО 01074. СТИР: 309892388



Раҳбар  Ж.Рузиматов



#### «Буюртмачи»

Ташкилот номи: Андижон Олимпия ва паралимпия захиралари коллежи

Манзил: Анд шаҳар Мустақиллик кучаси 1 уй  
Телефон: 237-54-40 Факс: 237-54-40  
СТИР коди: 204613652 ОКОНХ: 92120

Газна шахсий ҳисобварағи:  
Ш/в: **4001086003401092600185001**  
Газначилик бўлини маси номи: Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги Газначилиги  
Банк номи: Марказий банк ББ ХККМ Тошкент шаҳри  
Ягона Газначилик ҳисобварағи (ЯҒХ):  
Хр: **20208000300100001010**,  
МФО: 00014. Газна СТИРи: 201122919



Раҳбар  Д.Рахимов  
(имзо)